SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

# Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari

Son 1/S. Jild 4.

2024

**ISSN:** 2181-1342 (Online)
**Сайт:** https://scienceproblems.uz
**DOI:** 10.47390/SPR1342V4SI1Y2024

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

***№ S/1 (4) - 2024***

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

### ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**ТОШКЕНТ-2024**

**БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

*07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймахамматович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

*08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Саидалохонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров ҚулматАширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

*09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Саидова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, “Tashkent International University of Education” халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулув Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тиббиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

*10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

*12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич - юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

*13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Каюмова Насиба Ашуровна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна - педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

*19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Карамаддиновна – психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

*22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

*23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атақулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

**ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари”** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис**: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

*Fayziyev O'rinboy Toshmuhammad o'g'li*
OʻZBEKISTONDA ALOHIDA TAʻLIM EHTIYOJIGA EGA BOʻLGAN INSONLARNI IJTIMOIY HIMOYALASH SOHASIDAGI ISLOHOTLAR ........ 9-16

*Эсонов Зиёдбек Юлдашевич*
ФАРҒОНА ВОДИЙСИ МИНГ ЎЗБЕК УРУҒИ МАНБАЛАРИ ТАРИХИДАН ........ 17-22

*Rajapov Mardonbek Qosimboy oʻgʻli*
AFRIG’IYLAR SULOLASI TARIXINING TURK TILLI TADQIQOTLARDA YORITILISHI ........ 23-26

*Исмоилова Нигорахон Усмонжановна*
НАЛИВКИН И ЕГО СВЕДЕНИЯ О ТУЗЕМНОЙ ЖЕНЩИНЕ ........ 27-34

*Мирхакимова Феруза Холдоржон кизи*
ВЗГЛЯД В ИСТОРИЮ МЕМОРИАЛЬНОГО МУЗЕЯ САДРИДДИН АЙНИ ........ 35-40

### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

*Zhao Rong*
RESEARCH ON THE CONSTRUCTION OF CORE CURRICULUM STANDARDS FOR CROSS-BORDER E-COMMERCE MAJORS BASED ON HIGHER VOCATIONAL EDUCATION IN INNER MONGOLIA ........ 41-48

*Husanboyev Sadafbek Yorqinjon oʻgʻli*
FARGʻONA VILOYATIDA AGROTURIZM FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISHDA RESURS SALOHIYATINI BAHOLASH ........ 49-58

*Malikova Gulhayo Turdali qizi*
TIJORAT BANKLARDA INVESTITSION FAOLIYAT TAHLILI ........ 59-64

*Maxmudov Anvarjon*
SOLIQ HUQUQBUZARLIKLARINI TARKIBI, SHAKLLANISH MANBALARI VA ULARNI IQTISODIY MOHIYATI ........ 65-75

*Мухитдинов Ахрор*
РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА ЯГОНА МАРКАЗЛАШГАН ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ ........ 76-82

*Jurayev Xusan Atamuratovich*
KORXONANI MOLIYAVIY SOG'LOMLASHTIRISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI ........ 83-89

*Butunov Shaymardan Berdiyarovich*
NOANIQLIK ORQALI HARAKAT QILISH: IQTISODIY BEQARORLIK SHAROITIDA MOLIYAVIY TAHLIL ........ 90-96

*Islomova Mohlaroyim Inomjon qizi, Ortiqova So'g'diyona Abdusodiq qizi, Abdurahimova Zulhumor Azimjon qizi*
TURIZM XIZMATLAR SOHASIDA RAQAMLI TEXNALOGIYALARNI QO’LLASH ........ 97-103

*Содиқов Анвар*
ЎЗБЕКИСТОН ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ КЎП ОМИЛЛИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАР АСОСИДА БАҲОЛАШ ВА МУҚОБИЛ СЦЕНАРИЙЛАРИНИ АНИҚЛАШ ... 104-116

*Norov Asror Egamberdiyevich, Fazliddinov Shohruh Shamsiddinovich*
O'ZBEKISTONDA DOKTORANTURA FAOLIYATI YO'LGA QO'YILGAN OLIY TA'LIM VA ILMIY TADQIQOT MUASSASALARI ........ 117-122

**09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

*Эшонкулова Нуржахон Абдужабборовна*
ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТЛАРИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ: ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ ........ 123-130

*Khalilova Shakhlo Abdurashitovna*
IBN SINA AND HIS CONTRIBUTION TO SPIRITUAL AND MORAL EDUCATION: RETHINKING THE HERITAGE OF EASTERN THINKERS ........ 131-136

**10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

*Saidov Hakim G'ofurovich*
VATANPARVARLIK VA MILLIY G'URURNING FALSAFIY KATEGORIAL NEGIZLARI ........ 137-141

*Jabborov Jamshid Azimovich*
MA'NAVIY EHTIYOJLAR JAMIYAT MA'NAVIY HAYOTINING TARKIBIY QISMI SIFATIDA ........ 142-148

*Соатов Ғайрат*
БАЙРАМЛАР – МИЛЛАТНИНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТИ ........ 149-156

*Raxmatova Xolidaxon Xolikovna*
NAQSHBANDIYLAR EHTIROMIGA SAZOVOR BUYUK ZOT ........ 157-161

*Wang XiaoYu*
AN ANALYSIS OF THE MYTHICAL PATTERNS IN ULYSSES FROM THE PERSPECTIVE OF ARCHETYPE THEORY ........ 162-170

*Mamadkulova Kamila Abdukhalikovna*
FEATURES OF 19th CENTURY LITERATURE: ROMANTICISM AND REALISM ........ 171-175

*Aripova Saodat Taxirovna*
INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA KONCHILIK LEKSIK BIRLIKLARINING LEKSIK-SEMANTIK XUSUSUYATLARI ........ 176-181

*Xudoyqulov Behzod Abbosovich*
ITALYAN TILIDAGI FRAZEOLOGIK IBORALAR TARJIMASI VA ULARNING O'ZBEK TILIDAGI EKVIVALENTLARI ........ 182-187

*Mavlonova Gulnora Abdig'ani qizi*
ADABIYOTDA QO'LLANILGAN EVFEMIZMLAR (ROMAN VA SHE'RIYAT) MISOLLAR BILAN ........ 188-192

*Tuxtayeva Dildora Zokirovna, Izzatilloyeva Sevinch Nusratilloyevna*
INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA "YAXSHILIK" KONSEPTINI IFODALOVCHI MAQOLLARNING MILLIY-MADANIY XUSUSIYATLARI ........ 193-197

*Djurayeva Orzigul Gafurovna*
QAXXOR BAXSHI RAHIMOV IJODINING O'RGANILISHI ........ 198-204

*Gafarova Shahnoza Hayrullayevna*
TIL VA TA'LIM: MUAMMO VA YECHIMLAR ........ 205-209

## 12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР

*Исломқулова Шоҳсанам Ваҳобжон қизи*
ВРАЧНИНГ КАСБИЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИ СУҒУРТА ҚИЛИШНИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ОМИЛЛАРИ ВА ЗАРУРИЯТИ ........ 210-215

*Sarvinoz Sunnatillaeva*
PROCEDURAL CHALLENGES IN THE REGULATION OF ABUSE OF DOMINANT POSITION IN UZBEKISTAN ........ 216-222

## 13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

*Soliyev Ibodulloxon Ismatullayevich*
FACTORS AFFECTING THE EFFICIENCY OF REFORMS IN THE MANAGEMENT SYSTEM OF HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS ........ 223-233

*Shokirov Po'lat*
TALABALARGA ATLETIK GIMNASTIKA MASHG'ULOTLARINI JOZIBADORLIGINI OSHIRISHING USLUBIY ASOSLARI ........ 234-238

*Begmatova Dilnoza Muxtarovna*
JAHON MIQYOSDA TA'LIM JARAYONI SUBYEKTLARIDA MADANIY IMMUNITETNI SHAKLLANTIRISH TENDENSIYALARI ........ 239-243

*To'rayev Panji To'xtayevich*
MILLIY KURASH MASHG'ULOTLARIDA UMUMIY JISMONIY TAYYORGARLIKNI TASHKIL ETISH VA SHAKLLANTIRISH ........ 244-248

*Axmedova Nafisa Isaxodjayevna, Azamatov Abdullo Isaxo'ja o'g'li, Lutfullina Rumiya Anvarovna*
OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA JISMONIY TARBIYA VA SPORT FAKULTETLARI TALABALARI UCHUN ANTIDOPING QOIDABUZARLIKLARINING OLDINI OLISH MEXANIZMINI YARATISH ........ 249-256

*Egamberdiyev Javlonbek*
TA'LIM MUASASSALARIDA MA'NAVIY-MA'RIFIY ISHLARNI TASHKIL QILISH VA UNING ILMIY-USLUBIY ASOSLARI ........ 257-260

*Kenjaboev Abdisalim Erkaboevich*
ZAMONAVIY TA'LIM- TARBIYA JARAYONIDA PEDAGOGIK RAHBARNING KOMPETENTLIGI ........ 261-265

SCIENCE PROBLEMS.UZ

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. -№ S/1(4) - 2024
ISSN: 2181-1342 (Online)
https://scienceproblems.uz

**Мухитдинов Ахрор,**
ТАТУ, "АКТ соҳасида иқтисодиёт" кафедраси
мустақил тадқиқотчиси

## РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА ЯГОНА МАРКАЗЛАШГАН ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ

**Аннотация.** Мазкур мақолада рақамли иқтисодиётда ягона марказлашган диспетцерлик хизматининг самарадорлигини баҳолаш усуллари ҳамда ундан фойдаланишда олимларнинг қарашлари келтирилган. Мақолада баҳолаш тизимининг дисперцион кўрсаткичлари интерфейс натижаларини омилларга нисбатан меъёрий мезонлар асосида таҳлил қилиниб, унинг самарадорлигини аниқлайди. Унинг меъёрий мезонлари технологик таъминот ҳамда оператив хизмат қилишнинг мажмуавий тавсифи саналади.

**Калит сўзлар**: рақамли иқтисодиёт, марказий бошқарув, диспетчерлик хизмати, оператив бошқарув фаолияти.

**Mukhitdinov Ahror,**
TITU, "Economics in ICT" department
independent researcher

## METHODS OF EVALUATING THE EFFECTIVENESS OF THE UNIFIED CENTRALIZED DISPATCH SERVICE IN THE DIGITAL ECONOMY

**Abstract.** This article presents the methods of evaluating the effectiveness of the unified centralized dispatching service in the digital economy, as well as the views of scientists on its use. In the article, the dispersion indicators of the evaluation system are analyzed based on the normative criteria of the results of the interface in relation to the factors, and determine its effectiveness. Its normative criteria include a comprehensive description of technological support and operational service.

**Key words and phrases**: digital economy, central management, dispatch service, operational management activities.

**Мухитдинов Ахрор,**
ТАТУ, кафедра «Экономика в ИКТ»
независимый исследователь

## МЕТОДИКА ОЦЕНКИ ЭФФЕКТИВНОСТИ ЕДИНОЙ ЦЕНТРАЛИЗОВАННОЙ ДИСПЕТЧЕРСКОЙ СЛУЖБЫ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

**Аннотация.** В данной статье представлены методы оценки эффективности единой централизованной диспетчерской службы в условиях цифровой экономики, а также взгляды ученых на ее использование. В статье анализируются дисперсионные показатели системы оценки на основе нормативных критериев результатов взаимодействия по отношению к факторам и определяются его эффективность. Его нормативные критерии включают всестороннее описание технологической поддержки и оперативного обслуживания.

**Ключевые слова**: цифровая экономика, централизованное управление, диспетчерская служба, оперативно-управленческая деятельность.

DOI: https://doi.org/10.47390/SPR1342V4SI1Y2024N10

Рақамли технологиялар бугунги кунда инсоннинг барча иш фаолиятига боғлиқ иш жараёнларини ихчамлаштириш, қулайлигини ошириш, уларнинг яшил иқтисодиётга хизмат қилишини янада ошириш сингари хусусиятлар асосида воз кечилмас “рақамли ресурс” тушунчасини шаклланишига туртки бўлди. Рақамли ресурслар рақамли воситаларнинг иш фаолиятини такомиллаштиришга, уни тўлдиришга ҳамда уларнинг юқори самарадорлик натижасини намоён этишига тегишли бўлган барча элементлар киради: инфратузилманинг рақамли бўлиши, рақамли технологик воситаларнинг авлодларидан фойдаланиш, дастурий таъминот, унинг алгоритмлари ҳамда механизмлари рақамли иқтисодиётда ягона марказлаштириш эркин иқтисодий ҳудудларнинг фаолиятини чекласада, уларнинг рақамли платформалар орқали тижорат фаолиятини олиб боришда устунлик бера олади.

Диспетчерлик хизматларида марказлаштириш йирик кўламдаги масъулиятни талаб этсада, қандай вазиятга қандай даражада хизмат кўрсатиш кераклигидан келиб чиққан ҳолда тайёр туришни ва мавжуд муаммони мажмуавий бартараф этиш учун мажмуавий ёндашувни талаб этади. Кўплаб мамлакатларда тез тиббий ёрдам XX асрдан сўнг фавқулодда вазиятларга тегишли ҳолатлар ҳамда милиция ходимларининг назоратини қўнғироқлар орқали муаммолар ва мурожаатларни қабул қилиш диспетчерлик хизматида бирлаштириш орқали операцион ёрдам кўрсатиш тизимига асос солдилар. Бу ғоя АҚШнинг Алабама штатида 1992 йилда илк бора қўлланилган бўлиб, Европа мамлакатлари мазкур хизмат тизимига тўлақонли 1999 йилда ўтишди.

Рақамли иқтисодиётда диспетчерлик хизматига учун инновацион коридор очиб берган бўлса-да, уни такомиллаштириш ҳамда маркетинг режасини тузишда баҳолаш юзасидан мантиқий хариталаш орқали амалга оширилиши рақамли иқтисодиётнинг тенденциясига хос бўлмаганлиги туфайли уни баҳолаш тизими асосида таҳлил қилишга бўлган талаби ошди. Дастлаб, рақамли иқтисодиётда рақамли хизматларни баҳолашнинг умумтизими саналган вертикал рақамли таъсир этишдан фойдаланилди (1-расм).




**1 -расм. Вертирикал рақамли таъсир этиш**

Бунда илғор технологияларнинг инновацион диффузионал хусусиятининг юқори бўлиши орқали уни қўллаб-қувватловчи провайдерларнинг ташкил топиши ёки мослаштирилиши назарда тутилади. Бу ўз навбатида саноат ва ишлаб чиқариш жараёнларидан кенг фойдаланиш, уларнинг платформаларига электрон ҳавола қилиш ҳамда таклифларни эълон қилиб бориш орқали фойдаланувчиларнинг фойдаланиш ихтиёрига беришни занжирсимон кесишмалар асосида олиб боришга қаратилган. Жараёнларнинг мажмуавий ташкиллаштирилиши тизимли ишлаб чиқариш занжирининг самарадорлигини баҳолаш имконини беради.

Оксфорд экономикс нашриёти 10 йиллик кузатма ва тадқиқотларига асосан рақамли иқтисодиёт самарадорлигини 3 босқичга ва ёндашувга ажратган ҳолда баҳолаш тизимига асос солган[1].

Рақамли активлардан йиғилган қадриятлардан фойдаланган ҳолда баҳолаш босқичи корхонанинг рақамли активларни шакллантиришга сафарбар этилган йиллик захирани генерациялаш орқали пул қийматининг ҳажми билан эмас, балки унинг харажат оқимларини таҳлил қилишга қаратилган. Бунда харажатларнинг рақамли технологияларнинг такомиллаштиришга сафарбар этилган харажатларнинг ихтисосликлар ва платформанинг қисмлари, элементари бўйича тадқиқот ишлари олиб боришни назарда тутади. Рақамли активлар деганда иқтисодиётдаги рақамли дастурлар, платформалар, телекоммуникацион ускуналар ва воситалар ҳамда уларга қилинган харажатлар сметаси тушунилади[1]. Бу инновацион фаолиятни баҳолаш ҳамда инвестицион оқимларни тўғри йўналтириш имкониятини бериши билан устунлик касб этади.

Иккинчи баҳолаш босқичи ахборот телекоммуникацион технологияларнинг акционер капитали тушунчасини миллий иқтисодий тузилмаларда рақамли активлар билан бухгалтерия ҳисобини олиб бориш изчиллигини ошириш концепциясига асосланади. Рақамли технологиялар рақамли активларни тақозо этганда, у ўз навбатида рақамли капиталнинг ва уни сарҳисобини олиб борувчи ҳисоблаш тизимини тақозо этади. Буларнинг барчасини жамлаган ҳолда рақамли иқтисодий муносабатларни шакллантиради.

Иқтисодий муносабатлар рақамли бўлишидан қатъий назар, иқтисодий инфратузилмадаги ўрни кун сайин кенгайиб боришини инобатга олган ҳолда баҳолашга тортилиши муҳим аҳамият касб этади. Ваҳоланки, рақамли иқтисодиёт иқтисодий қонуниятларни аксил таъсирини кўрсатишга қодир иқтисодий тизим қудратига эга саналади. Бунинг натижасида, солиқлар, пул даромадлари ва харажатлари, уларнинг мақсадли капитал сифатида сафарбар этилаётганини назорат қилиш имконини беради. Шунингдек, мазкур баҳолаш тизими асосида таҳлиллар қилиш иқтисодий инфратузилма ва рақамли инфратузилмаларни иқтисодий жараёнларини солиштирма кузатувлар орқали ценарийларни ва стратегияларни шакллантиришга салмоқли кўмак беради.

Учинчи босқичда рақамли активларга ёндош таъсирларни кузатган ҳолда баҳолашни ўз ичига қамраб олади. Бунда таҳлилларнинг асосий қисми шуни кўрсатадики, рақамли активлар барчани бирдек молиявий рағбатлантира олади. Мазкур ҳолат рақамли активларга эгалик қилиш ва уни бошқаришга бўлган интилишни

ошириш ҳамда унинг иқтисодий сегментдан иқтисодий категорияга қадар юксалтириш мумкин.

**1-жадвал**

**Анъанавий иқтисодиёт доирасида рақамли иқтисодиёт кўрсаткичлари**[2]

| ЯИМ ни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқариш | | Натижалар | | |
|---|---|---|---|---|
| | | Рақамли | Анаъанаий | Ижтимоий |
| **Рақамлаштириш ишлаб чиқариш омиллари сифатида** | Юқори | Асосий чора-тадбирлар: АКТ соҳаси хизмати ва маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ижтимоий-иқтисодий таъсири | Доимий чора-тадбирлар: Ишлаб чиқарувчиларнинг рақамли технологияларга қарам эканлиги | Ракали жамият |
| | Ўрта | Асосий чора-тадбирлар: АКТ соҳаси хизмати ва маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг иқтисодий таъсири | Кенгайтирлиган чора-тадбирлар: Рақамли воситаларнинг иштироки эвазига ишлаб чиқаришнинг салмоқли яхшиланиши | Рақамли ходимлар |
| | Қуйи | Асосий чора-тадбирлар: АКТ соҳаси хизмати ва маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг риск таъсири | Анъанавий ҳолатда ишлаб чиқаришнинг ташкиллаштирилиши | Анъанавий жамият |

Рақамли иқтисодиётни анъанавий иқтисодий тизим билан солиштирганда унинг даражаларига кўра ажратган ҳолда уни рақамли иқтисодиётни ривожланишига таъсир этишини баҳолаш мумкин. Мазкур усул халқаро иқтисодий ривожлантириш ташкилотининг баҳолаш усули саналиб, унинг ҳисоблаш параметрлари асосан техника ва технологиялардан фойдаланиш даражаси ва унинг яратаётган маҳсулотлари билан асосланади.

Рақамли иқтисодиётда маълум бир иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштиришда инструментарийни шакллантириш юзасидан тавсияларга таянган ҳолда рақамли иқтисодиёт инструментарийси орқали баҳолаш тизимидан фойдаланилади. Уларнинг ўзига хос хусусияти ноаниқ жараёнларни бошқариш шароитида эгилувчанлиги саналади, яъни инновацияларни татбиқ этиш учун импровизация қилиш ҳам баҳолаш мезонининг бир қисмини ташкил этади.

Рақамли иқтисодиётда асосий баҳолаш усуллари онлайн сўровномалар, эксперт гуруҳлар, халқаро маълумотлар базаси фойдаланувчи тадқиқотчиларнинг кабинетли

баҳолаш орқали амалга оширилади[3]. Рақамли иқтисодиётда ихтиролар асосида бошқарув фаолиятини иқтисодий самарадорлигини аниқлашга қаратилган назария ТРИЗ филолог олими Г.С.Альтшуллер томонидан 1948 йилда ихтировий масалаларни ҳал этиш назариясига асос солган бўлиб, унда техник масалаларни ҳамда тизимларни ечимини мувофиқлаштириш усулларининг тўпламини такомиллаштиришга хизмат қилади[3]. Унинг акроними TIPS (theory of inventive problem solving) саналади.

ТРИЗ усулининг моҳияти турли техник масалаларнинг техник қаршиликлар туғдираётган жараёнлар орқали ечимини топиши мумкинлигида бўлиб, унда конкрет масалани умумлаштириш орқали ечимга муҳтож жиҳатларини ўрганиш орқали техник зиддиятларнинг чекли имкониятларидан кенг фойдаланишга асосланади. ТРИЗ усулининг асосини 40 та умумий ихтировий ёндашувлар ҳамда бир нечта муаммони ҳал этишга қаратилган 76 та стандарт андозаси мавжуд[4]. ТРИЗ нинг ахборот фонди мавжуд бўлиб, улар инновацион фаолиятни ривожлантириш, унинг қўлланилишини ҳар томонлама ҳисобга олиш, шунингдек тегишли номувофиқликларни бартараф этишга хизмат қилади (2-расм).




2-расм. ТРИЗнинг ахборот фонди[5].

ТРИЗ усулига инсайт усул сифатида қарашлар рақамлаштириш ва у билан боғлиқ жараёнларнинг ривожланиб бориши натижасида қарашлар ўзгариши орқали Хюбнер назарияси яъни “илмий мантиқни танқид қилиш” назариясига кўра “рақамлаштириш реалликка хизмат қилиши лозим, фақатгина иқтисодиётга эмас”-, дея таъкидлаган[6]. Мазкур мулоҳаза асосида Хюбнер рақамли технологиялар инсон ва унинг яшаш тарзини яхшилашга хизмати йўналтирилганлиги билан натижавийликни кўрсатиши лозим[7].

Human-Machine Interface (HMI) рақамлаштириш операторларни инсон машиналарнинг интерфейсини самарали тизимлаштириш фаолияти имкониятларини олиб бориб, унинг ахборот базаси 15 йилни ташкил этади. Уни асосий вазифаси диспетчерлик хизматида маълумотларни тўплаш ҳамда унинг архитектурасини оптималлаштириш саналади. HMIга асосан лойиҳалаштириш эргономика ҳамда usability, яъни қулайлик ва ихчамликка интилади. Бунда дастлабки жараён иш ўрнини тезкор меҳнат фаолиятини бажариши учун қулайликлар ҳамда кейинги жараёнларнинг кетма-кет уланиб кетишига яратилган шароитларни қамраб олади. Кейинги жараёнда

операторнинг тегишли органлар билан қўйилган вазифани тезкорлик билан бажариш ва ижросини максимал самарали бажаришдан иборат бўлиб, унда вазифани тўғри бажарилиши, тўғри гуруҳни шакллантирилиши ҳамда маълумотларнинг тўғри ишлатилишига боғлиқ саналади. Сўнгги жараён НМІнинг қўйилган вазифани бажарилишини бошқариш ва назорат қилиш, натижаларни таҳлил қилиш орқали тегишли дастурий таъминотда тавсиялар панелини тўлдирди. Дастурий таъминотда панелга киритиладиган тавсиялаш стратегияни шакллантириш, такомиллаштириш ёки камчиликларни бартараф этишга хизмат қилади.

HMI-машина ва инсон интерфейсини баҳолаш кетма-кетлиги мураккаб ҳисоблаш босқичларини ўз ичига қамраб олиш билан бир қаторда, унинг рақамлаштирилиши аниқ маълумотларнинг оғма коэффициентини ҳам ҳисоблаш орқали хатоликлар ва унинг оқибатларини ҳисоблаб бера олади (2-жадвал).

2-жадвал

**Машина-инсон интерфейси асосида диспетчерлик хизматини баҳолаш**[8]

| Т/р | НМІнинг вазифалари | Ҳисоблаш бирлиги ва усули | Изоҳ |
|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| 1. | Операторнинг хатолар сони | $N_m$ | Вазифани бажариш жараёнида йўл қўйилган технологик ва инсон омилли хатоликлар |
| 2. | Вазифага муносабат билдириш вақти | $t_{react} = \frac{t_{dis} + t_{exp}}{t_{max}}$ | $t_{react}$-қўйилган вазифанинг ижро этилиши;<br>$t_{dis}$-вазифани бажаришга учун ташкилий ишларга кетган вақт;<br>$t_{exp}$-вазифани бажарилишига кетган умумий вақт;<br>$t_{max}$-вазифани бажаришга ажратилган максимал вақт сарфи меъёри. |
| 3. | Вазифани ижро этиш вақти | $t_{comp} = t_{finish} - t_{react}$ | $t_{comp}$-вазифани ижро этишга сарфланган вақт;<br>$t_{finish}$-қўйилган вазифани ижросини таъминланишида вазифани тугагунига қадар кетган вақт; |
| 4. | Вазифани бажаришда қўйилган мақсадлар (эмперик кўрсаткичлар) | $\delta x = R_k (k = 1 \ldots . n) = \{t_{finish}, t_{react}, N_m\}$ | $\delta x$-қўйилган вазифадан оғишлар;<br>$R_k$-юзага келган мураккабликлар;<br>$n$-мураккабликлар сони |

Юқорида келтирилган баҳолаш тизимининг дисперцион кўрсаткичлари интерфейс натижаларини омилларга нисбатан меъёрий мезонлар асосида таҳлил

қилиниб, унинг самарадорлигини аниқлайди. Унинг меъёрий мезонлари технологик таъминот ҳамда оператив хизмат қилишнинг мажмуавий тавсифи саналади.

**Адабиётлар/Литература/References:**


1. John R. DiJulius III. The Relationship Economy: Building Stronger Customer Connections in the Digital Age. August 29, 2020
2. OECD.com
3. Сергей Евгеньевич Барыкин. Economics of Digital Ecosystems. Journal of Open Innovation: Technology, Market, and Complexity. Volume 6, Issue 4, December 2020, 124
4. Альтшуллер Г. С. Найти идею: Введение в ТРИЗ — теорию решения изобретательских задач, 3-е изд. — М.: Альпина Паблишер, 2010. с. 392.
5. ZHAO XIAO BING. Ark's Digital Economy Innovation History by Zhao Xiaobing. CITIC Publishing House(Chinese Edition) October 1, 2020, 475 p
6. Noble, Holcomb B.. Robert Huebner, 84, Dies; Found Virus-Cancer Connections (Published 1998), The New York Times (5 сентября 1998). Дата обращения: 8 октября 2020.
7. Hubner, Kurt. Kritik der wissenschaftlichen Vernunft. Freiburg/München Verlag Karl Alber 1978. / Курт Хюбнер: Критика научного разума. — М., 1994. // Электронная публикация: Центр гуманитарных технологий. — 24.12.2011. URL: https://gtmarket.ru/library/basis/5200
8. Анохин А.Н., Ивкин А.С., Чепурко В.А. Методы оценки человеко-машинного интерфейса операторов АЭС // Доклады БГУИР. 2015. №2 (88). URL: https://cyberleninka.ru/article/n/metody-otsenki-cheloveko-mashinnogo-interfeysa-operatorov-aes (дата обращения: 28.11.2023).

**ISSN:** 2181-1342 (Online)
**Сайт:** https://scienceproblems.uz
**DOI:** 10.47390/SPR1342V4SI1Y2024

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ S/1 (4) – 2024*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари”** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис**: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).